ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 49
(918)
2024 йил
5 декабрь,
Пайшанба

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси конституцияси куни



ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА УМУМЭЪТИРОФ

Ҳар бир давлат ҳуқуқий тизимининг асосини нормалари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устун бўлган ҳамда олий юридик кучга эга бўлган Конституция ташкил этади. Шунингдек, мамлакат Конституцияси нафақат фуқаролар ва давлат ўртасидаги, балки халқаро муносабатларнинг асосий йўналишларини тартибга солувчи ҳужжат ҳисобланади.

Аксарият давлатлар ўз конституцияларида ташқи сиёсатнинг асослари ва устувор йўналишларини, давлат органларининг халқаро муносабатлар соҳасидаги ваколатларини, ўз қонунчилигининг халқаро ҳуқуқ нормалари билан ўзаро муносабатини белгилайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Муқаддима”сида “Конституция халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда” қабул қилингани эълон қилинган.

Ўз-ўзидан савол туғилиши табиий. Нима сабабдан мамлакат Конституцияси халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиши керак? Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари нималардан иборат ҳамда Ўзбекистон Конституциясида улар ўз аксини топганми? Қуйида шу ва бошқа масалалар бўйича сўз юритамиз.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб халқаро муносабатларда тўла ҳуқуқли субъект сифатида иштирок эта бошлади. Ушбу даврда кўплаб давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатди, халқаро ташкилотларга аъзо бўлди, шу билан бирга кўплаб халқаро шартномаларга қўшилди. Буларнинг барчаси юзага келадиган муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ нормалари билан боғлади. 1992 йилда қабул қилинган Конституциянинг “Муқаддима”сида ҳам Ўзбекистон “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши” белгиланган эди.

Миллий ва халқаро миқёсда қонун устуворлигини таъминлаш халқаро ва миллий ҳуқуқий тизимларнинг уйғун ривожланишини тақозо этади. Уларнинг самарадорлиги ушбу икки ҳуқуқ тизимининг ўзаро таъсирига боғлиқ. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда халқаро тартиб ва мувозанатни шакллантириш давлатлар томонидан ўз халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бажариш билан бирга, уларни миллий даражада амалга оширишни талаб қилади. Ушбу вазифани халқаро ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг миллий механизмларини яратмасдан самарали ҳал қилиб бўлмайди. Давлатларнинг халқаро ҳуқуққа нисбатан муносабати эса уларнинг Конституцияларида белгиланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади”.

Мазкур норма Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ нормаларига нисбатан муносабатини белгилаб берди. Яъни, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми сифатида халқаро ҳуқуққа хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш заруриятидан келиб чиқиб, унинг нормаларининг юқори мақомини ҳамда ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ролини Конституция даражасида мустаҳкамлади.

Ушбу норма халқаро ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг зарур конституциявий кафолатларини яратиш билан бир қаторда, миллий ҳуқуқий тизимнинг бир қисмига айланган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига устунлик ҳам берди. Бунда улар билан миллий ҳуқуқ нормалари ўртасида қарама-қаршилик юзага келса, халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилиши тушунилади.

(Давоми 2-саҳифада)



АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси этиб тайинланган Тойво Клаар билан икки томонлама учрашув ўтказди.

Учрашув аввалида вазир Т.Клаарни Европа Иттифоқи делегациясининг Ўзбекистондаги элчиси лавозимига тайинлангани билан табриклаб, унга бўлажак миссиясида омад тилади. Шунингдек, А.Абдуҳакимов Бокуда бўлиб ўтган СОП29 иқлим конференциясидаги иштирок муваффақиятли кечгани, Ўзбекистон Миллий павилонига 7000 дан ортиқ иштирокчи ташриф буюрганлигини таъкидлади.

(Давоми 4-саҳифада)



МАШИНА ҲАЙДАГАН ЎҚУВЧИ ДАРСНИ ЎЙЛАМАЙДИ

Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик, ҳушёрликни йўқотиш, тезликни ошириш ёки эҳтиётсизлик сабаб бир лаҳзада инсон ҳаётига нуқта қўйилиши мумкин. Юзага келаётган бундай кўнгилсиз ҳодисаларда ҳар доим ҳам ҳайдовчи айбдор эмас. Хўш, ўзимиз йўлда юриш маданиятига қанчалик амал қиляпмиз, фарзандларимизга йўлда ҳаракатланиш қоидаларини ўргатяпмизми?

Фарзандингизга қандай ўрнак бўляпсиз?

Дунёнинг энг машҳур футболчиларидан бири, беш карра олтин тўп соҳиби, португалиялик Криштиано Роналду болаларининг тарбияси ҳақида шундай дейди: “Ҳозирги авлодга ниманидир айтиш ва тушунтириш қийин. Шунинг учун ўзларига қўйиб беришинг керак. Доим уларга мендан ўрнак олишни айтаман. Чунки улар машғулотларда қандай ишлашим, кўчада ҳаракатланишим ва майдонда ўйинимни кўради, кузатади. Дадам доим уйда ҳам, машғулотда ҳам, ўйинда ҳам қаттиқ меҳнат қилади, тартибли ишлайди, дейишади. Шунинг учун фақат ўзим ўрнак бўлиш орқали фарзандларимга яхши тарбия беришга ҳаракат қиламан. Мен учун бу ягона йўл”.

(Давоми 3-саҳифада)

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА УМУМЭЪТИРОФ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Қайд этиш жоизки, шунга ўхшаш нормалар Конституция янги таҳрирда қабул қилинишидан олдин ҳам миллий қонунчилик нормаларида мавжуд эди. Яъни, аксарият қонунларда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши” тўғрисида норма бор. Бироқ юқоридаги норманинг Конституция даржасида белгиланиши халқаро ҳуқуқ нормаларининг аҳамиятини белгилаши билан бирга, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига ҳам худди шундай мақом берди.

Ўз мазмунига кўра халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари устуворлиги тўғрисидаги норма кўплаб давлатлар Конституцияларида мавжуд. Ушбу умумэътироф этилган принцип ва нормалар нима, улар қандай қоидаларни белгилайди ҳамда улар Ўзбекистон Конституциясидан қай даражада ўрин олган?

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари тўғрисида халқаро ҳуқуқ назариясида ва кўплаб олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган. Аммо уларнинг барчасидан шу англашиладики, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари деганда халқаро шартномаларда, халқаро ташкилотларнинг уставларида, халқаро судларнинг қарорларида, шунингдек халқаро одатлардаги халқаро ҳуқуқнинг асосий императив ҳамда фундаментал нормалари, барча давлатлар халқаро ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ва тан олинган, улардан четга чиқиш мумкин бўлмаган нормалар тушунилади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари энг юқори юридик кучга эга бўлиб, барча нормалар уларга мувофиқ бўлиши керак. Шунингдек, улар барча давлатлар ва халқлар, умуман олганда, халқаро ҳамжамиятнинг асосий манфаатларини акс эттиради.

Анъанавий равишда халқаро ҳуқуқда 1945 йил 26 июнда қабул қилинган БМТ Уставида, 1970 йилги Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда ҳамда 1975 йилда қабул қилинган ЕХҲКнинг Хелсинки Якунловчи актида мустаҳкамланган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган 10 та принципи ажратиб кўрсатилади.

Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда қуйидаги асосий принциплар белгиланган:

Халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳамкорлик;

Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдири ўзи белгилаши;

Давлатлараро муносабатларда суверен тенглик;

Давлатлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларни виждонан бажариш.

> **Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари энг юқори юридик кучга эга бўлиб, барча нормалар уларга мувофиқ бўлиши керак. Шунингдек, улар барча давлатлар ва халқлар, умуман олганда, халқаро ҳамжамиятнинг асосий манфаатларини акс эттиради.**

1975 йилдаги ЕХҲКнинг Хелсинки Якунловчи актида қуйидаги асосий принциплар белгиланган:

Чегараларнинг бузилмаслиги;

Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

Маълумки, Хелсинки Якунловчи акти расмий равишда халқаро шартнома ҳисобланмайди. Бироқ у қабул қилинганидан сўнг, нафақат Европанинг, балки дунёнинг аксарият мамлакатлари раҳбарлари

1975 йилги Хелсинки Якунловчи актининг юридик мажбурий қоидаларини тан олганлиги тўғрисида расмий баёнотлар беришган.

Қайд этиш жоизки, биринчи бор юқоридаги ҳужжатларда санаб ўтилган умумэътироф этилган принциплар аксарияти 1945 йилда қабул қилинган БМТ Уставининг 1-2-моддаларида ўз аксини топган. Кейинчалик БМТ Устави юқорида санаб ўтилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларда ҳам ушбу принциплар белгиланиши учун асос вазифасини ўтаган.

Хусусан, 1969 йилда қабул қилинган Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциянинг 26-моддасида Pacta sunt servanda принципи, яъни “ҳар бир амалдаги шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурийдир ва виждонан бажарилиши” кераклиги белгиланган. Бу эса БМТ Устави 2-моддаси 2-бандидаги “БМТнинг барча аъзолари ушбу Устав бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини виждонан бажарадилар” деган қоидадан келиб чиққан.

Шу маънода, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларининг қуйидаги белгилари ва хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

ушбу принциплар барча ёки деярли барча давлатлар томонидан тан олинган;

принциплар суперимператив ёки юқори юридик кучга эга бўлган jus cogens (императив нормалар) нормалари характерига эга;

мазкур принциплар ҳам хусусий, ҳам оммавий муносабатларни тартибга солади;

ушбу принципларни бузиш халқаро-ҳуқуқий характердаги санкцияларни қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

Мазкур халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари Ўзбекистон Конституциясининг асосий принципларидан бири этиб белгиланган “Ташқи сиёсат” бобида ўзига хос тарзда санаб ўтилган. Хусусан, Конституциянинг 17-моддасида: “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади”, деб белгиланган.

Ушбу моддада Ўзбекистон ташқи сиёсатида энг устувор бўлган халқаро ҳуқуқнинг 6 та принципи келтирилган. Шунингдек, мамлакатнинг ташқи сиёсати ушбу нормада назарда тутилмаган бошқа приниципи ва нормаларга ҳам асосланиши белгиланмоқда. Эътиборлиси шундаки, Конституциянинг 1992 йил қабул қилинган таҳририда мазкур моддада “давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги” принципи назарда тутилмаган. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда ушбу принцип қўшилган.

Бундан ташқари, Конституциянинг 18-моддасида: Ўзбекистоннинг давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши, давлатнинг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу норма ҳам ўз моҳияти нуқтаи назаридан, гарчанд 17-моддада санаб ўтилган принциплар қаторида бўлмаса ҳам, “давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳамкорлик” принципини ифодалайди.

Бундан ташқари, “инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш” принципи

17-моддада келтирилмаган бўлса-да, Конституциянинг “Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” номли иккинчи бўлимидаги 40 та модда ушбу масалага бағишланган. Бу моддалар мазмунидан шуни тушуниш мумкинки, Ўзбекистон нафақат ички, балки ташқи сиёсатда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципига қатъий амал қилади.

Халқаро муносабатларда ёки ташқи сиёсатда ушбу принциплар мазмунан бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Уларнинг баъзиларини инкор этиш бошқаларини ҳам тўлақонли амлага оширишга имкон бермайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ўз ичига олган деярли барча универсал шартномаларни ратификация қилган. Улар Ўзбекистон учун амал қилади ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига амал қилишга бўлган хайрихоҳлигини намоён қилади.

Рустам АТОВУЛЛОЕВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази бош
юрисконсульти

ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР ПОЙДЕВОРИ

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга хизмат қилаётганлиги таҳсинга сазовор. Шунингдек, янгиланган Конституция Ўзбекистон учун ҳаётий зарурат бўлиб, бу мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ғоят аҳамиятли масала, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир.

Янги Конституция 2023-йил 30-апрелда ўтказилган умумхалқ референдумида қабул қилинган бўлиб унда давлатни, жамиятни ривожлантиришнинг демократик омиллари белгилаб берилган ҳамда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Асосий қонунимиздаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди ҳамда асосий қонунимиз матни қарийб 65 фоизга янгиланди.

Конституциянинг 1-моддасидаги "Ўзбекистон – суверен демократик республика" жумласи янгиланган Конституциямизда "Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат" деган норма мустаҳкамланди. Қолаверса, Конституциянинг 154-моддаси билан, 1-моддадаги қоидаларни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, деб белгиланди. Худди шунингдек, 154-модданинг ўзидаги айнан шу қоидадан иборат банд ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, бу норма – Ўзбекистон ҳеч қачон демократиядан воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчиликка содиқлиги, монархияга ёки исломий республикага айланмаслигини назарда тутади.

Шунингдек, Конституциямиздаги яна бир муҳим ўзгартириш: барча ноаниқликлар – инсон фойдасига ҳал этилади. Конституциянинг янги таҳририга асосан "Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади". Яъни эндиликда қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Эътиборлиси, Конституциямизга ўқитувчилар ҳақида модда қўшилди. Илм ўрганишни қўллаб-қувватлаш, уни рағбатлантириш ҳам ижтимоий муҳофазага киради. Бугунги кунда давлатимизда ёш авлоднинг миллий ва жаҳон илм-фан ютуқларини ўрганиш, ўзлаштиришга интилишини рағбатлантириш, ёшларнинг фундаментал фан асосларини пухта эгаллаши учун шарт-шароит яратиш, бўлғуси олимларни тайёрлаш, уларнинг инновацион қобилиятини ошириш, иқтидорини рўёбга чиқариш, истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни илмий фаолиятга жалб қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда.

Илм-фан ва таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда илм-фан вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича жуда катта миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Фанлар академияси ва унинг институтларига "янгидан ҳаёт бахш этиш" натижасида тизимдаги илмий муассасалар сони 20 тадан 35 тага етказилди. Академияга сайловлар қайта тикланди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ва бир қатор инновация марказлари, илмий кластер ва технопарклар фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимиз эътироф этганларидек, "илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб". Шунинг учун ҳам ўтган беш йилда илм-фан соҳасини молиялаштириш 4 карра кўпайди.

Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақлари 3 баробар оширилди. Фан доктори ва номзодлари учун алоҳида устама ҳақ белгиланди. Шу боисдан янгиланган Конституциямизда икки банддан иборат: "Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади". "Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади" норма киритилди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, янги таҳрирдаги Конституция мазмунан мукаммал бўлиб, унда ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояни, таълимни ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тараққиёти, фуқароларимиз турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган.

Норқул АСЛОНОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети доценти

МАШИНА ҲАЙДАГАН ЎҚУВЧИ ДАРСНИ ЎЙЛАМАЙДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Сиз-чи? Болангизга қандай ўрнак бўляпсиз, кўчани тартибли кесиб ўтишни қачон ўргатдингиз, уларга йўл белгиларининг мазмуни, пиёдаларнинг мажбуриятларини тушунтирганмисиз? Бунда энг катта масъулият ота-оналар ва ёши катталар зиммасига тушади. Бироқ катталарнинг ҳаммаси ҳам йўл қоидаларига амал қилавермайди. Мисол учун, йўлни беш-ўн метрга қисқартираман, деб белгиланмаган жойдан нафақат ота-оналарнинг ўзи, балки фарзандларини ҳам етаклаб ўтаверади. Қуш инида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмаган. Ота-онаси билан бирга қоидани бузган бола ўша жойдан ўзи ёки ўртоқлари биланўтганда ҳам йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмайди. Бора-бора буни одатга айлантиради ва оқибати сизга аён.

Болангизга машина калитини тутқазманг

Вояга етмаган бола дастлаб отаси ёки онасининг машина ҳайдашини кузатади. Кейин қизиқиб, машина рулига бир марта ўтирса бўлди, кейин ҳар куни бошқаришни хоҳлайди. Қарабсизки, мактаб ўқувчисининг асосий иши дарс тайёрлаш ёки китоб ўқиш эмас, балки машина бошқариш бўлиб қолади. Кейинги пайтда вилоятда вояга етмаган болалар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси содир этиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, биргина Самарқанд вилоятида болалар иштирокида 2023 йилда 233 та, жорий йилнинг етти ойида эса 80 дан ортиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган.

Яқинда Жомбой туманида мактаб ўқувчиси томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 4 ёшли бола ҳалок бўлди. У "Lasetti" машинасини Найман-Жомбой йўналишида бошқариб, Наймантепа маҳалласи ҳудудида йўлнинг қатнов қисмига югуриб чиққан болани уриб юборган. Оқибатда 4 ёшли бола оғир тан жароҳатлари олиб, воқеа жойида ҳалок бўлган.

Яна бир ачинарли воқеа: шу йилнинг 16 октябрида Булунғур туманида 7-синф ўқувчиси машина бошқариши оқибатида ҳалокатга учради. Маълум бўлишича, у Оқтош маҳалласидан ўтувчи йўлда «Жигули» машинасини миниб, бошқарувни йўқотган ва йўл четидаги ариққа тушиб кетган. Оқибатда оғир жароҳатлар билан шифохонада ҳалок бўлган.

Ушбу фожиаларнинг асосий сабаби фарзанд тарбиясига беъэтибор бўлиш ва назоратсизлик. Аксарият ота-оналар фарзандини жуда талтайтириб юборяпти. Енгил ҳаётга ўрганган, доим истаган нарсаси муҳайё бўлган бола ҳар доим тўғри-ми-нотўғрими, ўзининг айтгани бўлишини хоҳлайди. Бунинг оқибати эса яхшилик билан тугамайди.

Йўл ҳаракати қоидалари дарс сифатида ўқитилса...

Олдин умумтаълим мактабларида "Йўл ҳаракати қоидалари" фани ўқитиларди. Кейинчалик бу фан ўқув дастуридан олиб ташланди ва мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш бурчаклари ҳамда синфхоналари ташкил этилди. Хўш, бу тажриба ўзини оқлаяптми?

– Самарқанд вилоятида 1263 та мактаб бор, – дейди вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси масъул ходими Акмал Омонов. – Президентмизнинг "2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган «Хавфсиз ва равон йўл» умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига кўра, мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш синфхоналари ташкил қилинмоқда. Жумладан, ҳозирга қадар вилоятдаги 400 га яқин мактабда шундай синфхоналар ташкил этилди. Йил охиригача яна 100 та ва келгуси йилда барча мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш хоналари бўлади.

Маълум бўлишича, йўл ҳаракати қоидалари ўргатиш синфхоналарида дарс жараёнлари маънавият соатида синф раҳбари томонидан ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан тарғибот тадбирлари доирасида олиб борилади. Лекин алоҳида дарс сифатида ўқитилмайди.

Бугунги кунда юртимизда ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш жараёнида назорат кучайтирилди, жарималар миқдори ортди, камералар ўрнатилди. Аммо йўл-транспорт ҳодисалари, қоидабузарликлар ва бунинг оқибатида ҳалок бўлаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Шу боис ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидалари, белгиларнинг мазмуни, пиёда ва ҳайдовчиларнинг мажбуриятлари мутахассислар томонидан дарс жараёнида ўқитилса, бу каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг камайишига эришиб, тартиб-қоидага амал қилишни ўрганармидик.

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.

Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" гранти асосида тайёрланди.



АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК



(Боши 1-саҳифада)

Учрашув чоғида Экология вазирлиги ва ЕИ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳа ва дастурларни, жумладан, 2026-йил охиригача кимёвий конвенцияларга оид лойиҳаларни амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хавфли кимёвий ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

“Европа Иттифоқи Стокголм, Базел ва Роттердам конвенцияларини амалга ошириш учун 4 миллион евролик техник ёрдам кўрсатди. Бу ўз вақтида ва зарурий ёрдам бўлиб, институционал салоҳиятни оширишга ва ГСП+ талабларига жавоб беришга имкон яратади”, — деди вазир.

Таъкидлаш жоизки, ЕИ донор-мамлакатлари кўмагида Чоркесар ва Янгиобод туманларидаги собиқ уран конларини рекултивация қилиш бўйича ишлар олиб борилган, лойиҳани амалга ошириш учун ЕТТБ ва Экология вазирлиги ўртасида 9,0 миллион долларлик грант шартномаси имзоланган.

Учрашув давомида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли экологик ислоҳотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашининг ташкил этилиши, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, Орол денгизи тубидаги 2 миллион гектар ҳудудда ўрмон барпо этиш ва бошқа ташаббуслар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда олий таълим соҳасида туб ўзгаришларга катта ҳисса қўшган «Эрасмус+» каби Европа Иттифоқи билан турли қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга умид билдирилди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида барча жабҳаларда ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятларни ишга солиш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича келишувга эришилди.

МЕЪЁРИДАН ОРТИҚ ИФЛОСЛАНГАН МОДДАЛАР ЧИҚАРАЁТГАН КОРХОНАЛАРГА ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА)да Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Лола Раҳмонбоева иштирокида брифинг бўлиб ўтди. Брифинг Саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувларнинг табиий сув объектларига зарарини камайтириш мақсадида амалга оширилаётган ишларга бағишланди.

Таъкидлаш жоизки, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувларнинг табиий сув объектларига зарарини камайтириш мақсадида хатлов ўтказилди. Ўзбекистонда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи локал оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш мақсадида 93 саноат корхонасининг рўйхати шакллантирилди.

Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридан чиқаётган маиший оқова сувларни тозаловчи “Салар”, “Бектемир” ва “Бўзсув” тўйинтириш иншоотларига оқова сувларини ташлаётган саноат корхоналари хатлови амалга оширилди. Оқова сувлар сифатини яхшилаш бўйича тезкор чоралар кўрилди. Шаҳарда коммунал канализация тизимига салбий таъсир кўрсатувчи 140 та саноат корхонасининг рўйхати шакллантирилди.

Ўрганишлар давомида 115 та корхонадан кимёвий таҳлил намуналари олинди. 25 та корхона фаолият юритмаётганлиги аниқланди. Меъёридан ортиқ ифлосланган моддалар чиқараётган 44 та корхонага нисбатан тегишли тартибда чоралар кўрилди. Очиқ сув ҳавзаларига ифлос оқовалар чиқараётган 72 та саноат корхонасида экологик назорат тадбирлари ўтказилди. Уларга огоҳлантириш хатлари берилиб, 38 корхонага қўшимча компенсация тўлови ҳисобланди. 36 та корхона бўйича тўпланган материаллар чоралар кўриш учун ҳуқуқ тартибот идораларига юборилди.

Нукус шаҳрида ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва ифлосланишни камайтиришга қаратилган “Тежамкор уй” ва “Тежамкор хонадон” рейтинг тизими бўйича хатлов ўтказилди. Бунинг учун 38 кўп қаватли уй танлаб олинди.

Республикадаги автомобил ювиш шахобчаларида сув айланиш тизимини жорий этиш, уларни замонавий сув тиндиргичлар ва сув тежовчи ускуналар билан жиҳозлаш, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи турларни кенгайтириш мақсадида мавжуд 2180 шахобчада экологик мониторинг тадбирлари ўтказилди. 803 та автомобил ювиш шахобчаси ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи турларга айлантирилди. 1161 шахобча оқова сув тиндиргич ва сув тежовчи ускуналар билан жиҳозланди. Натижада автомобил ювилишидан ҳосил бўладиган оқова сувларнинг 60 фоизи тозаланишига ва сув ресурслари тежалишига эришилди.

Ўзбекистон бўйича 2024 йилда 2000 гектар ер майдонларини рекултивация қилиш режалаштирилган. Ўтган 9 ой давомида 1100 гектар ер майдони рекултивация қилинди. Уч ярим мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъект томонидан бузилган ерларнинг рекултивацияси назоратга олинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 январдаги “Сув ҳавзаларида норуда материалларни қазиб олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, Чирчиқ, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари ўзанларида норуда материаллар қазишга муддатсиз мораторий жорий қилинган эди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология, Фавқулодда вазиятлар ва Сув хўжалиги вазирликлари ҳамда ҳудудий бўлинмалар билан ҳамкорликда республика ҳудудидаги дарё ва сойларда шартнома асосида ўзан тозалаш ишлари бажарилаётган 310 участкада лойиҳа ҳужжатлари ва давлат экологик экспертизаси талабларининг бажарилиши танқидий ўрганилди.

Мораторий муносабати билан дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига шартнома асосида жалб қилинган 138 тадбиркорлик субъекти билан тузилган шартномалар бекор қилинди.

2024 йил якунига қадар саноат ва ишлаб чиқариш оқоваларининг табиий сув объектларига зарарини камайтириш мақсадида 38 корхонада локал оқова тозалаш иншоотлари қурилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.

Ер ости бойликлари қазиб олиниши оқибатида бузилган ер майдонларини 2023–2025-йилларда ҳудудлар кесимида рекултивация қилиш режасига мувофиқ жами 900 гектар ер майдони рекултивация қилиниши назоратга олинади.

Шунингдек, “Тежамкор уй” ва “Тежамкор хонадон” рейтинг тизими бўйича ғолиб деб топилган 20 хонадон ҳамда 50 фоиздан зиёд хонадонлари белгиланган меъёрлардан кам сув ишлатган 20 та кўп қаватли уйга вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуёш панеллари ёки уйлар атрофига ёритиш мосламалари ўрнатиб берилади.

1390 та автомобил ювиш шахобчасида босқичма-босқич сув айланиш тизимини жорий этиш, уларни замонавий сув тиндиргичлар ва сув тежовчи ускуналар билан жиҳозлаш, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи турларни кенгайтириш мақсадида экологик мониторинг тадбирлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, мамлакатда оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаш учун қўлланиладиган миллий стандартларни янгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Экология, атроф-муҳитни муофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ахборот хизмати

«ОҒЗИГА КЕЛГАННИ ДЕМОҚ – ҲАЙВОННИНГ ИШИ»



Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистонда медиамаҳсулотлар маънавий экспертизадан ўтказилиши тартиби жорий этилиши тўғрисидаги маълумоти юзасидан интернет сайтларда, ижтимоий тармоқларда ижобийга қараганда кўпроқ танқидий фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, “Facebook”даги бир фаол иштирокчининг саҳифасида бу “қип-қизил цензура”, сўз ва ижод эркинлигига таҳдид деб баҳоланиб, “Маънавият маркази ўзининг ҳаракатлари қайси қонун, Конституция ва халқаро нормаларга мувофиқлигини изоҳлай оладими?”, деган савол қўйилган.

Бу саволга жавоб битта: медиамаҳсулотларнинг маънавий экспертизаси зарурлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ахборот ва маданий фаолият соҳаларини тартибга солувчи барча қонунлари нормаларидан келиб чиқади. Конституциямизнинг 33-моддаси ижтимоий ахлоқни таъминлаш мақсадида ахборотни тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга йўл қўйилишини белгилайди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4, 14-моддалари эса жамиятнинг ахлоқий қадриятларини таъминлаш мақсадида ахборот олиш чекланиши мумкинлигини, маънавий бойликларни асраш жамиятимизнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш йўлларидан бири эканлигини белгилайди. “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги маданий фаолиятнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади ва ўз-ўзидан келиб чиқадики, ижодий фаолият эркинлиги ҳам маънавий-ахлоқий нормалар доирасида бўлиши керак. Қонуннинг 21-моддаси концерт-томоша тадбирларида одоб-ахлоқ қоидаларига, маънавиятга, миллий менталитетга мувофиқ бўлган мусиқий асарлар ижро этилишини тақозо этади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, маънавий-ахлоқий мезонларга зид медиамаҳсулотларнинг намойиш этилиши ва тарқатилишига йўл қўймаслик учун мутасадди идоралар ва ташкилотлар томонидан махсус қарорлар қабул қилинишига ва бу борада амалга ошириладиган ишларни “маънавий экспертиза” деб номлашга ҳеч қандай зарурат йўқ. Чунки бундай ишларни амалга ошириш ахборот, маданият, санъат соҳаларини тартибга солишга, жамиятимизда маънавият ва маърифат тарғиботига масъул мутасадди идоралар ва ташкилотлар, шу жумладан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси каби профессионал ташкилотларнинг кундалик вазифаси, уларнинг низомларида, уставларида белгиланган функцияларидир. Бундан ташқари қонунларимизга мувофиқ маданий медиамаҳсулотларни яратувчи ва тарқатувчи ташкилотларда бадиий кенгашлар мавжуд бўлиши керак, улар қонун талабларидан келиб чиқиб ишласа қўшимча яна “маънавий экспертиза” гурухларини ташкил қилишга зарурат бўлмайди.

Айни пайтда аҳолимиз “истеъмол” қиладиган медиамаҳсулотлар борасида аҳвол жуда ачинарли ва нотўғри талқин қилинадиган сўз ва ижод эркинлиги байроғи остида йилдан йилга мураккаблашиб бормоқда.

Бундай ҳолатнинг сабабларидан бири - назорат ва цензура тушунчаларининг фарқланмаслигида. Цензура қилинмасин деб назорат ҳам қилинмайдиган бўлиб қолди...

Цензура – ахборотни эълон қилишдан олдин махсус идора томонидан текшириш. Бу қонун билан тақиқланган. Лекин, ахборот тарқатиш қоидалари бор! Сўз эркинлиги дегани ҳар ким хоҳлаганини хоҳлаган шаклда яратишга ва тарқатишга ҳақли дегани эмас! Шахсий автомобилингизни исталган жойда, исталган вақтда ҳайдашингиз мумкин – сиз эркинсиз! Лекин Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишга мажбурсиз, ушбу қоидаларга шахсий мулкингиздан фойдаланишга чеклов сифатида қараш мумкин эмас.

Яна бир сабаб шундан иборатки, аксарият ОАВлар, маданият ва санъат соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хусусий бизнес тузилма – тадбиркорлик субъекти шаклида фаолият юритишади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ тадбиркорлик – “тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”. Яъни, ҳаммамиз биламизки, бизнеснинг асосий мақсади - фойда олиш. Бугун ана шу мақсадга эришиш жазавасига тушган интернет-сайтлар, хусусий телеканаллар, қўшиқчи, киночи шоуменлар одамлар эътиборини тортиш, рейтингини ошириш, реклама берувчиларни жалб этиш йўлида кўплаб савиясиз кўрсатувларни, сериалларни эфирга узатмоқдалар, шов-шувли ахборотларни тарқатмоқдалар.

Одамларимиз давлат телеканалларига қараганда хусусий телеканалларни кўпроқ томоша қиладилар. Бу телеканаллар эса фойдали ахборот билан эмас, балки бадиий савияси паст, мазмуни саёз сериаллар, шоуменларнинг бачкана қиликлари-ю тутуриқсиз, тил қоидаларини бузиб, кўча тилида айтилган гапларига бой кўнгилочар шоу-дастурлар, бемаъни, енгил-елпи қўшиқлар, шов-шувли янгиликлар билан одамларни ўзига жалб қилмоқда. Уларнинг аксарият кўрсатувлари инсон онгу-тафаккури, руҳияти, дунёқараши, маънавиятига, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи ахборот – маънавий заҳардир.

Ҳар жойда янграётган бемаъни қўшиқлар сон-саноқсиз... Шоу-бизнесменларнинг сохта маҳсулотлари маънавий хаётимизда асл мусиқий санъат асарлари ўрнини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда... Уларнинг беъмани, савиясиз, бачкана, енгил-елпи мусиқасимон шовқин шаклидаги “ижод” маҳсулотлари теле-радиоканаллар, интернет, ижтимоий тармоқлар, концертлар, оммавий тадбирлар, тўю-томошалар, кўча-кўйда, кафе-ресторанларда, барча жамоат жойларида тақдим этилиб, тарғиб, реклама қилиниб, инсонларнинг мусиқий дидини тубанлаштирмоқда, улар онгини захарламоқда, маънавиятини емирмоқда.

Мисоллар: “Атрофингда шаҳзодалар кўп. Кел, ўшалар олдида мен ғарибни битта ўп” деб куйланадиган шоу-бизнес маҳсулоти ҳалигача “хит” асар бўлиб қолмоқда... Ҳатто давлатга қарашли “Наво” телеканали орқали ҳам шоуменларнинг бемаъни қўшиқлари пуллик асосда эфирга берилиши давом этмоқда... Буни тўхтатиш керак! Давлат телеканали шундай қилаётган бўлса, бошқалардан нимани кутиш мумкин, ахир?!...

Президентимиз 2017 йил 3 август куни юртимиз зиёлилари билан ўтган учрашувда «Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз», деб алоҳида таъкидлаган эди. Мана етти йилдан кўп вақт ўтди. Афсуски, давлат раҳбарининг ушбу кўрсатмаси ОАВ ходимлари, мутасадди давлат органлари, депутатлик корпуси, ижодкор зиёлиларимиз томонидан ҳалигача англаб етилмади. Натижада бизнес субъекти бўлган ташкилотлар ва шахслар томонидан яратилаётган ва тарқатилаётган зарарли медиамаҳсулотлар кундан кунга кўпайиб жамиятимизда маънавий емирилиш аломатларини кучайтирмоқда.

Медиамаҳсулотларни яратиш ва тарқатиш соҳасида маънавият сари бурилиш қилиш учун оммавий ахборот воситаларини, маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларни тадбиркорлик субъекти эмас, балки фақат нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) ташкилий-ҳуқуқий шаклида фаолият кўрсатиши мумкинлигини назарда тутувчи меъёрни қонун йўли билан белгилаб қўйиш вақти келди!

Мутасадди идоралар – Ахборот ва оммавий коммуникациалар агентлиги ва Маданият вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ваколатларини ишга солиб, ахборот ва маданий фаолият соҳаларида маънавий заҳар тарқатаётган шахслар ва оммавий ахборот воситалари, жумладан, хусусий телеканалларга нисбатан тегишли чораларни кўришлари шарт.

Мамлакатимиз зиёлиларининг жамоат ташкилотлари – журналистлар, ёзувчилар, композиторлар уюшмалари ҳам жим турмасдан, Маънавият ва маърифат маркази билан бир қаторда медиамаҳсулотлар борасида маънавият сари бурилиш ясашда фаолроқ бўлиб, жамоатчилик орасида тушунтириш, тарғибот ишларини жадаллаштиришлари керак.

Хуллас, медиамаҳсулот яратиш ва тарқатиш қоидаларини замон талаблари, ҳаёт воқеликлари, соғлом информацион ва маънавий муҳит яратиш заруратидан келиб чиқиб такомиллаштириш, қонунларимизга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бу борада қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш — ҳаётий зарурат.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ЎГРИГА ЎН ЙИЛ



Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ёшларимиз енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолишмоқда. Ўқиб, ишлаб даромад топиш ўрнига жиноятга қўл уруш ҳолатлари учрамоқда. Асли Сурхондарё вилоятида туғилган Э.П. қирчиллама 22 ёшда. У муқаддам судланган бўлишига қарамай хулоса чиқармаган экан.

У шу йил 8 август куни соат 22-40 ларда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, “Фарғона йўли” кўчаси, 5-уйда жойлашган “Яндекс автомойка” автомашиналарни ювиш шаҳобчасида Т.М.га тегишли “Нехиа-3” русумли автомашинанинг эшиги қулфланмагани ва калити салонда қолдирилганидан фойдаланиб автомашинани олиб қочган.

Олиб борилган тезкор-қидирув тадбир жараёнида Э.П. Самарқанд шаҳрида ушланган.

Судда судланувчи Э.П. айбини тан олди. Яъни, у илгари ҳам транспорт воситасини олиб қочгани учун озодликдан маҳрум қилинганини, жазони ўташ колониясидан шартли озод қилинганини, пул топиш мақсадида Яшнобод туманининг “Фарғона йўли” кўчасида жойлашган автомашиналарни ювиш шаҳобчасида ишчиларига ёрдамлашиб келганини билдирди. 2024 йил 8 август куни соат 22-00ларда шахси унга кейинчалик маълум бўлган Т.М. ўзининг “Нексия-3” русумли автомашинасини ювиш учун унга топшириб кетган. Шунда у онасини кўриб келиш учун автомашинанини Сурхондарё вилоятига қараб ҳайдаб кетган. Йўлда Самарқанд шаҳригача бир йўловчини олганини, соат 07-30ларда Самарқанд шаҳрининг маҳаллаларидан бирига йўловчини тушириш учун кирганида уни ички ишлар идораси ходимлари ушлашган. Ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўраб кўргазма берди.

— Ўша куни, — деди судда жабрланувчи Т.М. — автомашинамни ювдириш учун сўраганимда Э.П. рози бўлди. Автомашинани шаҳобчага қолдириб ўзим овқатланиш учун кетдим. Бироз вақт ўтиб шаҳобчага қайтиб келганимда автомашинани ҳам, Э.П.ни ҳам топа олмадим. Ўша ердаги ишчилардан сўраб – суриштирдим. Кейин автомашинамни қидириб шаҳардаги учта жарима майдончасига бордим. Бироқ автомашинамни топа олмаганимдан сўнг ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилдим. Олиб борилган тезкор тадбир натижасида автомашинам Самарқанд шаҳрида топилгач, қайтариб беришди. Автомашинадаги нарсаларим йўқолмаган. Судланувчига нисбатан даъвоим йўқ.

Суд жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Э.П. нинг жиноятни содир этганликдаги айби, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари ва терговга қадар текширув давомида тўпланган ҳужжатлар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, фото иловалар ва бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланган, деб ҳисоблади.

Суднинг ҳукми билан машина олиб қочиб такроран жиноят содир қилган Э.П. 10 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

У жазони қаттиқ тартибли колонияларида ўташ белгиланди.

Шу ўринда бир гап. Унинг тенгдошлари ҳар куни эрта тонгда ўқишга, ишга отланади. Ҳунарли бўлиб, ҳалол даромад топиш учун меҳнат қилишади. Эмин-эркин ҳаёт кечиришмоқда. Э.П. эса ҳаммасидан маҳрум. Бунга унинг ўзи айбдор.

Матчонбой МАТЧАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман судининг
судьяси.

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАМАДИ



Ж.Н. Ёшлар агентлиги Янгиҳаёт туман бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. Т.К. эса шу тумандаги “Янги дархон” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси бўлган. Ф.Х. эса Янгиҳаёт туман ҳокимлиги бухгалтерия бўлимида биринчи тоифали мутахассис бўлиб ишлаган. Улар жиноят содир этганлиги учун судланди.



Гап шундаки, Ж.Н. масъул вазифада ишлаб туриб сохта ҳужжатлар билан давлат маблағларини ўзлаштирган. У расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, агентлик ҳисобчиси Ф.Х. билан жиноий тил бириктирган. Туманда “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси васийлик кенгаши йиғилишининг баённомасида мавжуд бўлмаган фуқаролар номига 45.500.000 сўм пулни кейинчалик ўзи фойдаланиш учун онасининг номида бўлган пиластик картага ўтказишга эришиб, давлат маблағларини талон-торож қилган.

Шунингдек, у васийлик кенгашининг баённомаси билан А.А. исмли аёлга даволаниши учун 15.000.000 сўм ажратилган бўлса-да, сохта тўлов топшириқномаси орқали 30.000.000 сўм ўтказган. 15.000.000 сўмни эса онасига тегишли бўлган пластик карта рақамига ўтказган.

Бундан ташқари, Ёшлар агентлиги Янгиҳаёт туман бўлим бошлиғи Ж.Н. агентлик ҳисобчиси Ф.Х. билан жиноий тил бириктириб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги низомга зид равишда иш тутган. Яъни, бирламчи тиббий-санитария муассаси шифокоридан ариза берувчининг соғлиги бўйича врачлик маслаҳат комиссияси хулосасини олмасдан сохта маълумотлар тузган. Гўёки, яқин қариндошларини даволаниш харажатлари қоплаб бериладиган бемор ёшлар тоифасига киритиб, жаъми 41.000.000 сўмни уларнинг номига ўтказиб берган.

Худди шунингдек, қалбаки ҳужжат тузиб икки фуқаро номига 21.000.000 сўм пул маблағини ўтказиб, растарата қилиш йўли билан талон торож қилган.

Ҳужжатли текширув жараёнида уларнинг барча “операциялари” фош этилган. Масъулларнинг жиноят иши судда кўриб чиқилиб, уларга қонуний жазо тайинланди.

Завқиддин ЯРАШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Юнусобод туман судининг
судьяси.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ – ОЗОДАЛИК



Эндиликда жаҳон олимлари томонидан коинот ва атмосфера сир-асрорларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уларнинг инсоният ҳаёти билан нечоғлик боғлиқлигини тадқиқ этиш изчил олиб борилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда озон қатлами қуёшнинг ултрабинафша нурларини сақлаб қоладиган қалқон сифатида инсоният саломатлиги учун жуда муҳимлиги ҳақида билдирилаётган илмий хулосалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз. Афсуски, озон қатламининг емирила бошлаши ва сайёрамиз табиий мувозанатининг бузилиши натижасида экологик хавф пайдо бўла бошлади. Бу жараён ривожланиб бораверса, келажакда тасаввур қилиб бўлмас даражада иқлим ўзгариши юз бериб, инсон соғлигига жиддий таъсир этиши, энг аввало унинг иммунитетини тушириши мумкинлиги айтилмоқда. Бу эса инсон организмининг заифлашишига ва онкологик касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Айни пайтда ўсимлик дунёси ҳам азият чекмай қолмайди. Яшил олам ниҳоятда секин ўсиши, турли касалликларга чалиниши олимлар фикрларида илгари сурилмоқда. Озон қатлами туйнукларининг кўпайиши ва кенгайиб бориши инсониятнинг энг глобал муаммоларидан бирига айланиши эса ғоятда ташвишлидир. Чунки у ер шарининг ўзига хос ҳимоя қалқони ҳисобланади. Озон қатламининг емирилишида маълум маънода кимё ва атмосферага заҳарли газ таратадиган бошқа заводларнинг таъсири катталигини ҳам унутмаслигимиз керак. Хусусан хлор ва бромнинг зарарли таъсири натижасида стротосферадаги озон миқдори ўн фоизга камайган деган қарашлар ҳам мавжуд. Шунингдек, озон қатламининг емирилишида табиий жараёнлар, яъни вулқонларнинг отилиши ҳам озон қатламини емиришда сезиларли таъсир этади. Шуни таъкидлаш жоизки, озон қатламининг емирилиши ер юзига катта миқдорда қуёш радиациясининг тушишига йўл очади. Тери саратони билан касалланиш кескин ортади. Инсонда иммун тизими сусайиб, кўриш қобилияти хиралашади. Дарахтлар қуриб,қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кескин камаяди. Ҳатто денгиз ва океанлардаги жонзод ва ўсимликлар ҳам зарарланмай қолмайди. Бундай хавф-хатарнинг олдини олиш учун бутун дунё аҳли бир ёқадан бош чиқариб, ер юзи ва атмосферанинг тозалиги учун ҳаракат қилиши лозим. Масалан, катта-катта шаҳарларда одамларнинг автоуловсиз юриш кунларини уюштириш атмосферани улардан чиқадиган заҳарли газлардан асрайди. Бу борада теварак-атрофни гул ва дарахтлар билан бойитиш ҳам катта аҳамиятга эга. Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, ҳар бир шаҳар ва қишлоқ тозалик ва атмосферанинг мусаффолиги учун курашса, буни ўзига қоида қилиб олса,жамият соғлом бўлади.

Ҳулкарой МАСАИДОВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ва ўзбек филологияси факультети талабаси.

...ДЕГИМ КЕЛДИ



Тақдир тақозоси билан, ўқиб изланиш мақсадида кимлар учундир имкониятлар шаҳри бўлмиш пойтахти азимга келиб қолдим. Катта шаҳарни ҳали яхши билмаганлигим учун қўл телефонимга «харита» дастурини ўрнатиб олдим, аниқроғи, ҳамхона қизлар ўрнатиб беришди.

Харита бўйича автобусда кетаркканман, дастурни унчалик тушунмаганим учун ёнимда кетаётган кўринишидан ўзбек экани яққол сезилиб турган йигитдан сўрадим. Йигит аввалига энсаси қотди, сўнг «не нада» деб керишиб қўйди. Начора, йигитнинг рус эканига ўзимни ишонтирдим. Қизиғи, тушлик вақтида университет яқинидаги магазинга кириб ҳайрон қолдим – автобусда эрталаб кўрганим ўша «рус» йигит ўзига керак бўлган шекилли, сотувчи билан ўзбек тилида бип-бинойидай гаплашиб турибди...

Аксига олиб, дарсдан қайтаётганимда телефонимнинг қуввати тугаб қолди. Энди нима бўлади - мен ижара тураржойимга қайтай десам, эрталаб келган автобусим қайси кўчадан ўтишини билмайман. Йўл сўраб беш – олти кишига мурожаат қилишимга тўғри келди. Афсуски, уларнинг бирортаси ё ўзбекча билмайди, ё ҳақиқатан ҳам рус. Ҳатто, бир аёл юзимга тикилиб туриб, индамасдан узоқлашди, эшитмаганга солди. Мен кўзига тиланчи бўлиб кўриндиммикан, деб ўйлаб қолдим.

Шундай қилиб, талабаликнинг биринчи куниданоқ Тошкентнинг номи нима учун «тош» деган сўзга ўзакдош эканини англагандай бўлдим. Йиғламоқдан бери бўлдим, кўз олдимда беихтиёр олис-олисларда қолган қишлоғим, қанча ёрдам сўрасангиз ҳам, малол олмайдиган қишлоқдошларим гавдаланди... Бир олам кўнгил оғриқлари билан, ҳайтовур, манзилимни топиб келволдим.

Талабалигимнинг иккинчи куни, журналистика соҳасидаги биринчи дарсимиз жуда қизиқарли ва мунозараларга бой бўлди. Айниқса, устозимиз ўзбек тили қадр-қиммати, тилимизни асролмаётганимиз, қутқулардан қутқаролмаётганимиз, ижтимоий тармоқларнинг тилимиз софлигига салбий таъсири ҳақида куюниб гапирди. Менинг эса кўзимдан, кўнглимдан кечаги воқеалар бир-бир ўтарди...

Тилимизни асраш оиладан, боғча ва мактабдан бошланади дегим келди. Тилимизни асраш учун болаларимизни хорижий тил устувор боғча (мактаб)ларда эмас, ўз она тилимизга ихтисослашган муассасаларга бериш керак, дегим келди. Мактабларда адабий тилда сўзлашни ва бехато ёзишни ўргатишимиз, биз кимларнинг авлоди эканимизни, тилимизни асраш йўлида ким-кимлар қурбон бўлганини англатишимиз, ўргатишимиз керак, дегим келди. Фарзандларимизни «ўзбек она»лари тарбиялаши керак, дегим келди.

Дегим келдию, томоғимга нимадир тиқилди: адашмаяпманмикин?

Мавлуда БОЙЧАЕВА,
талаба

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1210
Адади: 1050.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Biznesni Rivojlantirish Banki





Dekabr

KONSTITUTSIYA KUNI MUBORAK BO'LSIN!



"Universal" kredit – biznesingiz uchun 5 mlrd so'mgacha yordam!

Har bir biznes uchun qulay moliyalashtirish shartlari!

1254

www.brb.uz